

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 19 апрель, № 76 (6511) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 71 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. 1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 800 000 (саккиз юз минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда 1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” Ўзбекистон ёшлар ижтимоий ҳаракати, Бадиий академия, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 18 апрель

# Маҳалла сайлови иштирокчилари пухта билим эгалламоқда

Маълумки, жорий йилнинг май — июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига пухта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонуни асосида сайловнинг ошкоралик, муқобиллик ва тенглик принциплари асосида ўтиши учун зарур чоралар кўрилаяпти. Шу билан бирга, ишчи гуруҳларнинг самарали фаолият юритиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда.

### КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан жойларда уюштирилаётган “Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари” мавзуидаги семинарлар ҳам ана шу мақсадга қаратилган. Муҳими, уларда қатнашаётган ҳудудий кўмаклашувчи комиссиялар аъзолари, уларнинг ҳузуридаги ахборот хизматлари вакиллари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлимлари раислари, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари бўлажак сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ билимларини мустаҳкамламоқда.

**Сурхондарё вилояти**да бўладиган сайловда 832 нафар фуқаролар йиғини раиси ҳамда уларнинг 8500 нафардан зиёд маслаҳатчилари сайланиши режалаштирилган бўлиб, ушбу муҳим тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича барча фуқаролар йиғинида ишчи гуруҳлар тузилди.

— Ишчи гуруҳлар таркибига 6 минг нафардан ортиқ фуқаролар жалб қилинган бўлиб, уларнинг кўпчилиги катта тажриба ҳамда обрў-эътиборга эга фаоллардир, — дейди вилоят кўмаклашувчи комиссияси раиси Абдукарим Аҳмедов. — Улардан 40 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Сайловларда вилоятнинг 1,5 миллион нафардан кўпроқ аҳолиси бевосита ёки ўз вакиллари орқали қатнашиши кутилаяпти. Бу эса пухта тайёргарликни талаб этади. Семинар жараёнида маҳалла сайловининг қонунчилик асоси, кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларнинг вазифалари ҳамда бошқа долзарб масалалар малакали мутахассислар томонидан атрофлича таҳлил қилиб берилди. Бу эса сайловни юқори савияда ўтказишимизда қўл келади, деб ҳисоблайман.

**Тошкент шаҳри**да ташкил этилган семинарда ҳам фуқаролар йиғинлари сайловининг қонунчилик асослари баробарида, кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар олдида турган долзарб вазифалар бўйича батафсил маълумот берилди. Айтиб ўтилганидек, мазкур сайловда пойтахтимиз бўйича 505 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 5 минг нафардан зиёд маслаҳатчиларини сайлаш режалаштирилган бўлиб, тайёргарлик ишлари шунга мос равишда изчил олиб борилмоқда. Жумладан, жойларда тузилган ишчи гуруҳлар самарали фаолият юритиши учун барча чоралар кўрилаяпти. Ҳозирги пайтга қадар улар хоналар ҳамда ҳуқуқий адабиётлар билан тўла таъминланди.

(Давоми 2-бетда).

### БИЗ — БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!

Аввал хабар қилганимиздек, Бухорода “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

# Фахр, ғурур ва шукрона

Маданият ва маърифат ўчоғи саналган бу кўҳна воҳанинг шаҳар ҳамда туманлари, энг чекка гўшалари уч кун давомида ўзига хос байрам оғушида бўлди. Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишлаб ташкил этилган мазкур тадбир барча бухороликлар, айниқса, ёшлар қалбига бир олам завқу шавқ бағишлади, уларнинг она-юртга меҳр-муҳаббатини кучайтирди, келажакка ишончини янада мустаҳкамлади.

— Фестивалнинг “Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!” лойиҳаси доирасида Ромитан туманида ўтказилган анжуманда қатнашиб, катта таассурот олдим, — дейди таэквондо (ITF) бўйича республика ва халқаро миқёсдаги кўплаб мусобақалар совриндори Шаҳрон Аъзамов. — Халқимизнинг севимли санъаткорлари, таниқли актёрлар, ижодкорлар билан юзма-юз мулоқот қизиқарли кечди. Учрашувларда тенгдошларимизга қарата: “Спорт билан мунтазам шуғулланинг. У сизни ҳар томонлама соғлом вояга етишингизга кўмаклашади. Ҳаётда ҳеч қачон адашмайсиз”, дея мурожаат қилдик.

Фестиваль доирасида Бухоро давлат мусиқали драма театрида “Тебранмас юраклар” спектакли намойиш этилди. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг “Жайҳун” театр-студияси актёрлари ижросида саҳна юзини кўрган мазкур спектакль катта тарбиявий аҳамиятга эгалиги билан томошабинларга маъқул тушди.

Республика тарғибот гуруҳи аъзоларининг Вобкент туманидаги учрашувлари ҳам ёдда қоларли бўлди. Бир қатор лойиҳалар ҳудуд аҳлининг фаол иштирокида ўтди. Айниқса, “Нуронийлар эъзозимизда” деб номланган тадбир доирасида кексалар ҳолидан хабар олинди. Бундай савобли ишдан уларнинг кўкси тоғдек кўтарилди.

(Давоми 2-бетда).

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Дунё тажрибасидан маълумки, ҳар қайси мамлакат ижтимоий ҳаётида аҳолининг бирламчи эҳтиёжи бўлган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабини қондириш, бу борада энг тўғри, самарадор стратегик йўлни белгилаб олиш халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

### МУНОСАБАТ

Шу маънода, мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбари томонидан ушбу соҳада белгилаб берилган йўналишлар, айниқса, бозор муносабатлари талабларига мос равишда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ҳамда таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш — бугун соҳада эришилаётган натижалар мисолида қанчалик самарадор “тадрижий тараққиёт йўли” эканлигини кўрсатиб турибди.

Бинобарин, бу борадаги ислоҳотлар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан талабини қондириш, халқимизнинг турмуш даражасини ошириш, бозорларимизда нарх-наво барқарорлигини сақлашдек муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этиш имконини бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган тарихан қисқа даврда юртимиз озиқ-овқат маҳсулотларининг четдан олиб келинишига барҳам беришга муваффақ бўлди. Шунингдек, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотга сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди. Қисқача айтганда, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланган мустақил давлат даражасига эришди.

Албатта, қўлга киритган натижаларимиз жаҳон бозорининг бугунги мураккаб талаблари шароитида республикамизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт салоҳиятини кенгайтиришга пухта замин яратмоқда. Зеро, Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида 2020 йилда бошоқли дон етиштиришни 16,4 фоиз, картошка етиштиришни 35 фоиз, сабзавотни 30 фоиз, мева ва узумни 21,5 фоиз ошириш кўзда тутилгани ҳамда бу ўз навбатида, шу турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмининг сезиларли даражада ортишига олиб келишини таъкидлаган эди.

(Давоми 2-бетда).

# МАҚСАДЛИ САРМОЯЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

*Давлатимиз томонидан саноат субъектларини қўллаб-қувватлаш, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар янги қувватларни ишга тушириш, маҳсулот турлари ҳамда ҳажмини кўпайтириш имконини бермоқда. Айниқса, бу жараёнга тижорат банкларининг кенг жалб этилаётгани ижобий самарасини кўрсатаётир.*



Хива шаҳридаги “Хоразм гиламлари” масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади.

Айтиш жоизки, мазкур ишлаб чиқариш субъекти инқироз ҳолатига келиб қолган “Хива Карпет” қўшма корхонаси негизида Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони талабларига мувофиқ ташкил этилганди. Ўтган давр мобайнида масъулияти чекланган жамиятга молия муассасаси томонидан 11 миллиард 500 миллион сўмликдан зиёд сармоя ажратилди. Шу тариқа корхонанинг айланма маблағи шакллантирилди, зарур хом ашё базаси мустаҳкамланди. Ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ қайта тикланди. Ҳозир бу ерда 300 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан биргина ўтган йилнинг ўзида “Хоразм гиламлари” ёрлиғи остида 12 миллиард 814 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Шунингдек, харидорларга 15 миллиард 377 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари етказиб берилди.

### МОДЕРНИЗАЦИЯ

(Давоми 2-бетда).

# БЕБАҲО МЕРОС, МАФТУНКОР ТАБИАТ, ҚУЛАЙ ИНФРАТУЗИЛМА

сайёҳлик равнақида муҳим аҳамиятга эга.

Пойтахтимизда “Дам олиш дунёси” IV халқаро Ўзбекистон сайёҳлик кўргазмаси очилди.

Мазкур нуфузли тадбир “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ҳамда “Буюк Ипак йўли” реклама агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти кўмагида ташкил этилди.

### ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Унда мамлакатимиздан ташқари, Хитой, Франция, Испания, Малайзия, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари, Таиланд, Вьетнам, Чехия ва Мальдив каби давлатлардан 200 дан зиёд фирма ҳамда компаниялар вакиллари қатнашмоқда.

Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида туризм индустриясини ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилгани, тарихий обидаларни тиклаш, асраб-авайлаш, улуғ аждодларимиз хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, шаҳару қишлоқларимизда инфратузилма объектларини такомиллаштириш борасида ибратли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Хусусан, замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари ташкил қилиниб, уларда юксак сифатли хизмат турлари йўлга қўйилаётир. Айни пайтда мамлакатимизда 530 дан ортиқ туроператор ҳамда агентлик, 430 та меҳмонхона фаолият юритмоқда.

(Давоми 3-бетда).





Муқобил энергия — юқори самарадорлик гарови

Ёшлар тарбияси ва масъулият

Намунанинг намунавий уйлари


БИР РАҚАМ ШАРҲИ

### Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши

**7,5** *фоизни ташкил этди.*

*2016 йил учун қабул қилинган иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устувор йўналишлари ижроси изчил таъминланаётгани туфайли жаҳон иқтисодиётида давом этаётган инқирозли ҳодисаларга қарамай, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносибликка эришилмоқда.*



# Маҳалла сайлови иштирокчилари пухта билим эгалламоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Семинарда фуқаролар йиғини раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига маҳалла тизимини яхши биладиган, республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказа оладиган, топширилган ишга масъулият билан ёндашадиган, ташаббускор, изланувчан, ўзининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтиришга интиладиган, халқ орасида алоҳида обрў-эътиборга эга фуқароларни танлаш билан боғлиқ масалалар очиб берилгани биз учун айни муддао бўлди, — дейди Яшнобод тумани "Илтифот" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ишчи гуруҳ аъзоси Насиба Салиджонова. — Дарҳақиқат, ушбу масъулиятли лавозимларга муносиб фуқаролар сайланишини таъминлаш жуда муҳим. Негаки, шу фазилатларга эга раис ва унинг маслаҳатчилари маҳалланинг нуфузини янада ошириш ҳамда унинг ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшади. Айни чоғда сайловга кўмаклашувчи комиссия аъзолари билан ҳамкорликда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз.

**Сирдарё вилояти**да бўлиб ўтган семинарда маҳалла институтининг жамият ривожи ҳамда мамлакат тараққиётидаги ўрни беқиёс эканлиги эътироф этилди. Шунингдек, унда сўнгги йилларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тобора такомиллашиб бораётгани таъкидланди. Бўлажак сайловлар маҳалла нуфузини янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган ижтимоий-сиёсий тадбир бўлгани боис унга пухта тараддуд кўрилаётир.

— Вилоятимиз бўйича 266 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 2 минг 600 нафардан зиёд маслаҳатчилари сайланиши мўлжалланмоқда, — дейди вилоят кўмаклашувчи комиссияси аъзоси Ғайбулла Юсупов. — Шунинг ўзиёқ ушбу сайловнинг кўлами нечоғли кенг эканлигидан далолат беради. Семинарда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиб-таомилларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, унда қонунийлик ва очиқ-ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари тушунтирилди. Қолаверса, кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлар вазифалари ҳақида сўз юритилганлиги иштирокчилар учун фойдали бўлди.

— Сайловнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари бўйича зарур маълумотларга эга бўлдик, — дейди Ширин шаҳри, Амир Темур номидаги маҳалла фуқаролар йиғинидаги ишчи гуруҳ раҳбари Эътибор Жонназарова. — Сайловга тайёргарлик ҳамда уни ўтказиш жараёнида ана шу тавсия ва фикр-мулоҳазалар фаолиятимизнинг асосий мезонига айланади.

**Тошкент вилояти**да ўтказилган семинарда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўрни ҳамда нуфузи мустаҳкамланиб бораётгани, унинг ташкилий-ҳуқуқий асоси тобора такомиллаштирилаётгани, вазифа ва ваколатлари кўлами кенгайиб, давлат бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлиги фаоллашаётгани хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда вилоят кўмаклашувчи комиссияси раиси Ҳожимурод Эрматов ҳудудда мазкур муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга тайёргарлик жараёни қандай бораётгани ҳақида кенг маълумот берди. Қайд этилдики, бўлажак сайловда вилоят бўйича 1158 нафар маҳалла раиси ҳамда уларнинг 11 мингдан ортиқ маслаҳатчилари сайланиши кутилмоқда. Бу эса сайловга ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўриш ва кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлар масъулиятини янада кучайтиришни тақозо қилади.

— Туманимизда 60 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 540 нафардан зиёд маслаҳатчилари сайланади, — дейди Паркент тумани кўмаклашувчи комиссияси аъзоси Фахриддин Дадаматов. — Барча фуқаролар йиғинида ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, муносиб номзодларни танлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Шинам ҳамда қулай хоналар ажратилиб, керакли ҳуқуқий адабиётлар етказиб берилди. Семинар ҳудудий комиссия ва ишчи гуруҳлар аъзоларининг сайлов қонунчилигига оид билим ҳамда кўникмаларини янада бойитишга хизмат қилди.

**Жиззах вилояти**даги тадбирда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимига энг муносиб номзодларни танлаш, сайлов жараёнида очиқлик ҳамда ошкораликни таъминлаш асосий вазифалардан бўлиб, бу борада муайян ишлар бажарилаётгани таъкидланди.

Семинарда кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар ваколатлари, номзодлар учун қонунчиликда белгиланган талаблар, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнидаги устувор вазифалар соҳа мутахассислари томонидан чуқур таҳлил қилинди. Бу, албатта, кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар фаолиятини самарали ташкил этиш, маҳалла сайловини юксак демократик тамойиллар асосида ўтказишда муҳим аҳамиятга эга.

— Аҳоли орасида обрў-эътибор қозонган, ташаббускор фуқаролар ишчи гуруҳ таркибига киритилди, — дейди Ғаллаорол туманининг "Булоқбоши" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ишчи гуруҳ раҳбари Абдусаид Боймуродов. — Белгиланган режа асосида изчил фаолият олиб бораяпмиз. Ҳудудимизда яшовчи аҳоли фикридан келиб чиқиб, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимларига муносиб номзодларни кўрсатиш бўйича таклифлар тайёрлаш, туман кўмаклашувчи комиссияси билан ҳамкорликда сайловни юқори даражада ташкил этиш ҳамда ўтказиш юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз. Семинарда ўрганган билим ва кўникмаларимиз фаолиятимизни янада кучайтиришга хизмат қилади.

Фуқаролар йиғини раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига бағишланган бу каби семинарлар бошқа туман ва шаҳарларда ҳам ўтказилмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Фахр, ғурур ва шукрона

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Тўқсон ёшдаман, — дейди Ҳомид Турсунов. — Биз тенги авлод уруш даҳшатларини, қаҳатчилик йилларини бошдан кечирди. Бугунги тинч ва фаровон ҳаётни, бозорларимиздаги файзу баракани кўриб, дилдан шукроналар айтамиз. Ёшларга насиҳат қилганда, "Бу кунларнинг қадрига етинглар, юртимизга муносиб фарзанд бўлинглар", дея уқтирамиз.

— Фестиваль доирасидаги тадбирлар ўзига хослиги, бир-бирини такрорламаслиги ва вилоятимизнинг энг чекка ҳудудларини ҳам қамраб олгани билан айни муддаодир — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Умида Раҳмонова. — "Депутат ва ёшлар", "Оммавий маданият" ва ёшлар маънавияти", "Сиз севган қаҳрамонлар", "Ватанимга хизмат қиламан!" каби лойиҳалар эртамиз эгалари учун миллий қадриятларимизни эъзозлаш, мақсад сари дадил интилиш, она-Ватан қадрини теран ҳис қилиш нуқтаи назаридан жуда фойдали бўлди.

Иштирокчиларнинг қай бири билан суҳбатлашмайлик, шу мазмундаги сўзларни эшитдик. Дарвоқе, ёшлар байрамида энг фаол қатнашган истеъдодли йигит-қизлар ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди. Фестиваль "Бухоро" марказий стадионида ташкил этилган "Мустақиллик фарзандлари" деб номланган гала-концерт билан якунланди.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида вилоят ҳокими М. Эсанов сўзга чиқди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# АКТ соҳасидаги самарали ҳамкорлик

Тошкентда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган илмий-амалий форум бўлиб ўтди.

**ФОРУМ**

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Тошкент шаҳридаги Инҳа университети томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг АКТ соҳаси учун масъул идоралари, нуфузли ташкилот ҳамда компаниялари раҳбарлари, мутахассислар ва ёшлар қатнашди.

Маълумки, мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида бугунги шароитда интернет ва электроника даврида иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, "Электрон ҳукумат" тизими фаолиятини янада ривожлантириш устувор аҳамиятга эгалиги қайд этилган эди.

Шу нуқтаи назардан, юртимиз ҳаётининг турли жабҳаларини ахборотлаштириш жараёнида илғор давлатлар тажрибаларини ўрганиш, улар билан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, юқори технологиялар соҳасида етакчи давлатлардан бири бўлган Корея Республикаси билан бу борада алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораяпти.

Жанубий кореялик мутахассислар "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш масаласида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига техник жиҳатдан кўмаклашмоқда. Зеро, ушбу давлат "Электрон ҳукумат"нинг ривожланиш даражаси бўйича, мана, бир неча йилдирки, БМТнинг жаҳон рейтингида етакчилик қилиб келаётир.

Форумнинг дастлабки қисмида ишбилармон доиралар ҳамда олий ўқув юртлари ўртасида юқори малакали IT-мутахассисларни тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

Тадбир давомида "LG CNS Uzbekistan" Ўзбекистон — Корея Республикаси қўшма корхонаси директорининг ўринбосари Жи Вук Ким сўзга чиқиб, дастурий маҳсулотлар яратиш ва ишлаб чиқиш соҳасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланаётганини таъкидлади.

Тақдимотларда иштирокчилар Корея Республикасида АКТнинг ривожланиш босқичлари билан яқиндан танишиб, IT-бозоридаги етакчи компанияларнинг технологик ҳамда бизнес йўналишлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлишди.

Форум доирасида Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида Маслаҳат кенгашини ташкил этиш бўйича ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарори кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишни мантиқан янги босқичга олиб чиқади.

Қарорда мамлакатимиздаги қайта ишлаш корхоналарини хом ашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил мобайнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш, шунингдек, ташқи бозорда харидоргир ҳамда рақобатдош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш ҳамда харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантириш назарда тутилган.

Бу фермер ва деҳқонларимизнинг ички истеъмол бозоридан ортган қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини тизимли равишда жаҳон бозорига чиқариш имкониятини оширади.

Қарорда белгиланганидек, 2019 йилнинг 1 январигача мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлайдиган хусусий мулк шаклидаги корхоналар, идоравий мансублигидан қатъи назар, замонавий ускуна ҳамда технологиялар олиб киришда божхона тўловидан ва бир қатор солиқлардан озод этилмоқда. Бу каби имтиёзларининг берилиши мазкур субъектларнинг бўш маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ҳамда модернизациялаш, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Албатта, ушбу ҳуқуқий ҳужжат юртимиз тараққиётининг бугунги босқичида халқимиз турмуш даражасини янада ошириш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлганлигини қайд этиш жоиз. Мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, ундан келиб чиқадиган вазифалар айни пайтда Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар фракциялари томонидан катта қизиқиш ва юксак кўтаринкилик руҳида ўрганилмоқда.

Олдимиздаги яна бир муҳим масала ушбу ҳужжатнинг амалиётга татбиқ қилиниши билан боғлиқ бўлиб, бунда, аввало, соҳанинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, жойларда сайловчиларга унинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш ҳамда мазкур жараён устидан самарали парламент назоратини амалга оширишга аҳамият қаратиш зарур. Шу мақсадда қўмитамиз томонидан ҳам ушбу қарор ижроси ва унинг асосида амалдаги қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, мунтазам мониторинг қилиш юзасидан махсус чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Умуман айтганда, мазкур ҳужжат фермер ва деҳқон хўжаликлари, тадбиркорлик субъектларига янги имкониятлар яратиб бериши билан бирга, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги барқарорлигининг узвийлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Тўлқин ЭШНАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси.**



# МАҚСАДЛИ САРМОЯЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



— Корхонамизда технологияларни модернизация қилиш юзасидан ҳам изланишлар олиб бораяпмиз, — дейди МЧЖ раҳбари Эгамберган Машарипов. — Бу мақсадлар учун 487 миллион сўмлик сармоя йўналтирдик. Шу тариқа қувватларни оширишга эришдик. Жорий йил охиригача 14 миллиард 624 миллион сўмлик саноат товарлари ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. "Сифат — корхона кўзгуси", деб бежиз айтишмайди. Бу борадаги интилишларимиз бесамар кетмади. Экспортга чиқиш учун талаб этиладиган халқаро сифат сертификатига эга бўлдик. Айни пайтда маркетинг бўлимидаги мутахассислар ташқи бозордаги талаб ва таклифни чуқур таҳлил қилишмоқда. Тез орада хорижлик буюртмачиларга ҳам Хоразм гиламларини етказиб бера бошлаймиз.

Яқинда корхонада яна бир янгиликка қўл урилди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори асосида тасдиқланган Хоразм вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури доирасида йилига 4 минг тонна калава ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги лойиҳа амалга оширилди. Пировардида 100 та қўшимча иш ўрни вужудга келди.

Қувонарлиси, янги тармоқ шарофати билан жорий йилда 3 миллион АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилиш кўзда тутилмоқда. Ҳозир хорижлик мижозлар билан бу борада музокаралар олиб борилаяпти.

Умуман, вилоятда молиявий соғломлаштиришга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар "Хоразм гиламлари" корхонасига ҳам имкониятлар эшигини кенг очиб берди. Унинг жамоаси ҳам бошқа ишлаб чиқарувчилар қатори иқтисодиётимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# Истеъдод ва маҳорат намойиши

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Тасвирий ва амалий санъат фестивали бошланди. Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Ташқи ишлар вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

**ФЕСТИВАЛЬ**

Унинг очилиш маросимида мамлакатимизда санъатнинг барча турини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу эса ёшлар иштирокида уюштирилаётган фестиваль ва танловларда, маданий-маърифий анжуманларда ҳам ўз ифодасини топаётгани таъкидланди.

Ўзига хос санъат байрами ҳисобланган мазкур фестиваль давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил қилинди. Унда нафақат юртимиз ижодкорлари, балки бир қатор хорижий, хусусан, Ҳиндистон, Индонезия, Италия, Япония, Бангладеш сингари давлатларнинг ижодкорлари тақдим этган икки юздан зиёд асарлар ҳам намойиш қилинмоқда.

Тадбирлар Марказий кўргазмалар залидан ташқари, Тошкент Фотосуратлар уйи, Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейи, Халқаро маданият карвонсаройи, Ўзбекистон давлат санъат музейида ўтказилаяпти.

Ушбу тадбирларда Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, рассомлик ва дизайн коллежлари, Бадиий академия тизимидаги таълим масканлари ўқитувчилари ҳамда уларнинг шогирдлари ижодидан баҳраманд бўлиш имконияти яратилган. Умуман айтганда, кўргазмаларда ёшларнинг икки мингга яқин бадиий, амалий санъат бўйича ижод намунаси намойиш этилади. Фестиваль доирасида таниқли рассомлар, хорижлик мутахассислар иштирокида маҳорат сабоқлари ташкил қилиниши ҳам белгиланган.

Тасвирий ва амалий санъат фестивалининг илк кунида Соғлом она ва бола йилига бағишланган кўргазма тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги санъат ўқув муассасалари ўқитувчиларининг ижодий ишлари намойиш қилинди. Шунингдек, кўргазмалар залида бир қатор хорижий давлатлар рассомларининг ижодий ишларига ҳам кенг ўрин берилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятда бўлиб ўтиши кўзда тутилган тадбирлар давомида "Энг яхши ўқув муассасаси", "Энг яхши мураббий", "Энг яхши тасвирий санъат йўналиши", "Энг яхши кўргазма" сингари танловлар уюштирилади.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) ва Жаҳон банки бошқаруви органларининг навбатдаги мажлисида глобал иқтисодий ўсиш истиқболи пасайгани ҳамда унинг умумий секинлашиш хавфи мавжудлиги баён қилинди.*

### Глобал иқтисодиёт бўйича тахмин




Жумладан, жорий ва келгуси йилларда жаҳон бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ортиши атиги 0,2 — 0,3 фоизни ташкил этса, Европада бу кўрсаткич 2 фоизга тенг бўлади. Экспертларнинг таъкидлашича, мазкур масалага лоқайд қараб бўлмайди.

ХВЖ вакиллари дунё миқёсидаги геосиёсий танглик, инқироз ҳамда қатор ижтимоий муаммолар ҳам яқин келажакда глобал иқтисодиётга қўшимча хавф туғдиришини айтишган.

### Иши юришмаяпти

*"Евроньюс" телеканали хабарига қараганда, "Volkswagen" автоконцерни (Германия)нинг иши "дизель машмашаси"га аралашиб қолганидан буён юришмаяпти.*



Бу унинг тежамкор "Skoda" маркасидан тортиб, "Audi" премиум моделларигача бўлган маҳсулотлари савдоси март ойида сезиларли даражада қисқарганида кўзга янада яққол ташланди. Натижада компания даромади 2,7 фоиз камайиб кетди. Биринчи чорак якунлари бўйича эса "Volkswagen"нинг Европа бозоридаги улуши 23,4 фоизгача пасайган.

Ваҳолонки, "кўҳна қитъа"да янги автомобиллар харид қилиш ҳажми 6 фоиз ўсиб, инқироздан олдинги ҳолатга қайтган. Яъни 1,7 миллион дона машина сотилган. Бундай ижобий натижа 2007 йилдан бери кузатилмаётганди.

### Сейсмик фаоллик кузатилмоқда

*Ўтган ҳафта ўрталарида Япония жанубида рўй берган кучли зилзилалар тафсилоти жаҳон оммавий ахборот воситалари диққат-эътиборида бўлиб турган бир пайтда якшанбага ўтар кечаси сайёрамизнинг бошқа бир нуқтасида — Эквадорда ҳам худди шундай табиат ҳодисаси рўй берди.*

Бу ерда кузатилган 7,8 балли ер силкиниши оқибатида 260 нафардан зиёд одам ҳаётдан кўз юмди, икки ярим минг киши жароҳатланди. Бедарак йўқолганлар сони ҳам кўп. Баъзи жойларда электр таъминоти ва телефон алоқаси издан чиққан. Қидирув-қутқарув тадбирлари давом эттирилмоқда.

Сейсмологлар яқин кунларда такрорий ер силкинишлари юз бериши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирди.

### Эски қурилмалардан даромад

*АҚШнинг "Apple" компанияси эски "iPhone" телефонлари ва "iPad" планшетларини қайта ишлаш эвазига 999,7 килограмм олтин олишга эришди.*



Унинг қиймати қарийб 40 миллион долларга тенгдир. Гап шундаки, компания смартфонларидаги деталларда ўртача 30 миллиграмм тилла мавжуд. Бундай нодир металлдан уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва чиришининг олдини олиш мақсадида фойдаланилади.

Умуман, "Apple"нинг эски қурилмаларидан жами 27,5 минг тонна қимматли моддалар, жумладан, пўлат, алюминий, шиша олишга муваффақ бўлинган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилиб, транспорт коммуникациялари такомиллаштирилаётгани ҳам диққатга сазовордир. Масалан, ўтган давр мобайнида Тошкент, Самарқанд, эллик меҳмонлар сонини сезиларли даражада оширишга хизмат қилаётир.

Республикамиздаги 5 та олий ўқув юрти, жумладан, Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг Тошкент филиали, шунингдек, 11 касб-ҳунар коллежида соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрланаяпти.

Мана шундай кенг қамровли чора-тадбирлар натижасида Ватанимизнинг гўзал табиати, муқаддас қадамжолари, ноёб меъморий обидалари ва файзли гўшалари дунё аҳлини тобора ўзига мафтун этмоқда. Албатта, бунда мамлакатимиздаги мустаҳкам тинчлик ҳамда барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити муҳим омил бўлаётир.

"Дам олиш дунёси" халқаро кўргазмасини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад маҳаллий ҳамда хорижий туроператорлар, агентликларга баҳор — ёз мавсуми учун ўз туристик маҳсулотлари бўйича таклифларни илгари суришларига кўмаклашиш, мижозлар билан шартномалар тузиш, туризм бозорига оид стратегик режалар ишлаб чиқиш учун имконият яратишдан иборатдир.

Анжуманда республикамизнинг сайёҳлик салоҳияти, таклиф қилинаётган хизматлар, тарихий осориатиқалар акс этган экспонатлар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари, фотоэкспозициялар, гўзал табиатимиз, спорт туризми, авиатранспорт, суғурта ва банк хизматларига оид кўплаб маълумотлар билан танишиш имконияти мавжуд.

Форумнинг биринчи иш кунида ўтказилган "Ўзбекистонда тиббий туризмни ривожлантириш ҳолати ва истиқболлари" мавзуидаги илмий-амалий конференцияда юртимизда тиббий туризм салоҳиятини юксалтириш, тоғ ҳамда тоғолди ҳудудларида санаторий-курортлар тизимини кенгайтириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самаралари ҳақида фикр юритилди.

# БЕБАҲО МЕРОС, МАФТУНКОР ТАБИАТ, ҚУЛАЙ ИНФРАТУЗИЛМА

## сайёҳлик равнақида муҳим аҳамиятга эга.

Бухоро, Урганч, Фарғона ва Навоий шаҳарлари аэропортлари модернизация қилинди ҳамда бугун юртимиздаги барча аэропортга халқаро мақом берилди. Миллий авиакомпаниямиз эса энг сўнгги русумдаги "Эйрбас" ва "Боинг" авиалайнерлари билан таъминланган. Ушбу самолётлар Европа, Осиё, Яқин Шарқ ҳамда Шимолий Американинг кўплаб шаҳарларига парвозларни амалга ошираяпти. Қолаверса, "Тошкент — Самарқанд", "Тошкент — Қарши" йўналишлари бўйлаб Испаниянинг "Тальго" компаниясида ишлаб чиқарилган, юқори тезликда ҳаракатланадиган замонавий "Afrosiyob" электр поездларининг қатнови йўлга қўйилган. Бу эса диёримизга ташриф буюраётган чет



Кўргазма доирасида, шунингдек, "Hosted Buyers" ("Профессионал харидорлар") дастури кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаяпти. У хорижий компаниялар раҳбар ва менежерларига Ўзбекистоннинг сайёҳлик йўналишлари билан яқиндан танишиш, ўзаро манфаатли шартномалар тузишда айни муддаодир.

Халқаро кўргазма давомида "Ипак йўли лаззати" миллий таомлар фестивали, сайёҳлик фирма ҳамда компанияларининг тақдимотларини ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 19 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2218,19 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4099,24 |
| 1 Дания кронаси | 438,88 |
| 1 БАА дирҳами | 787,89 |
| 1 АҚШ доллари | 2893,92 |
| 1 Миср фунти | 325,90 |
| 1 Исландия кронаси | 23,32 |
| 1 Канада доллари | 2234,51 |
| 1 Хитой юани | 446,65 |
| 1 Россия рубли | 43,82 |
| 1 Украина гривнаси | 113,60 |
| 1 Малайзия ринггити | 735,43 |
| 1 Польша злотийси | 760,62 |
| 1 СДР | 4067,67 |
| 1 Туркия лираси | 1013,53 |
| 1 Швейцария франки | 2991,75 |
| 1 евро | 3295,98 |
| 10 Жанубий Корея вони | 25,14 |
| 10 Япония иенаси | 267,93 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

**Вазирликлар, идоралар, қўмиталар, ўқув ҳамда илмий муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, хорижий, қўшма ва кичик корхоналар, фирмалар ҳамда тадбиркорлар диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси, Савдо-саноат палатаси

**2016 йил 23 апрель куни соат 9.00 да Тошкент давлат иқтисодиёт университети ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ФАКУЛЬТЕТИнинг 2015/2016 ўқув йили битирувчилари учун**

**ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ**

**тадбирини ўтказади.**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ФАКУЛЬТЕТИни 2015/2016 ўқув йилида қуйидаги таълим йўналишлари бўйича талабалар битирадилар:
— **5230200 — менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича);**
— **5610100 — хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича);**
— **5610200 — меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш.**

**Мазкур тадбирнинг мақсади қуйидагилардан иборат:**

- битирувчиларни иш берувчилар томонидан таклиф этилаётган бўш иш ўринлари билан таништириш, шунингдек, уларга меҳнат бозори, мутахассисларга эҳтиёжи бор корхона ва ташкилотларда ишга жойлашиш имкониятлари, мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисида тўлиқ маълумот бериш;
- битирувчиларнинг махсус, касбий ва малакавий билимлари ҳамда қобилиятлари тўғрисидаги маълумотларни иш берувчиларга тақдим этиш;
- иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан университет ўртасида интеграцион алоқалар ўрнатиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишларини муҳокама қилиш, битирувчиларни касбга йўналтириш, ишга тақсимлаш ва жойлаштириш бўйича шартномалар тузиш;
- иш берувчи корхона ҳамда ташкилотларда битирувчиларнинг малакавий амалиёт, стажировкаларини ўтказиш масалаларини муҳокама этиш.

***Тадбир ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй, 1-ўқув биноси. Маълумот учун маркетинг бўлими телефони: (+99871) 239-28-77.***

583А/263

**«Universal realtor» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 2015 йил 23 мартдаги 1-879/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Катта Қозиробод 2-тор кўчаси, 13-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 179,96 кв.м. бўлган кўчмас мулк такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 218 311 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 5 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ҳамда 2016 йил 4 май куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаганидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Қўшимча маълумот учун манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй, «Universal realtor» МЧЖ. Телефон: (0-371) 150-35-55. E-mail: universal.realtor@mail.ru**

Хизматлар лицензияланган.

628R/609

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**«Capital realtor group» МЧЖда 2016 йил 10 май куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Юнусобод тумани СИБ томонидан 2011 йил 1 июндаги 1-2736/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзеда жойлашган:

- Умумий майдони 2100 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли уй (Блок Б ва В).

***Бошланғич баҳоси — 1 859 317 000 сўм.***

- Умумий майдони 2700 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли уй (Блок А).

***Бошланғич баҳоси — 1 796 349 000 сўм.***

**2.** Юнусобод тумани СИБ томонидан 2012 йил 12 ноябрдаги 1218/19834-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Юксалиш кўчаси, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 780 кв.м. бўлган 2 қаватли дўкон.

***Бошланғич баҳоси — 1 802 694 000 сўм.***

*2016 йил 24 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига* Сергели тумани СИБ томонидан 2014 йил 15 сентябрдаги ЖСҲ-1-359/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарвоза кўчаси, 4-«Б» уй, 66-хонадонда жойлашган, умумий майдони 68,99 кв.м. бўлган уй-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 128 000 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-19-24.**

Хизматлар лицензияланган.

629А/74

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ**

**«Тошкент-Аэро» ИБК**

**видеокузатув тизими воситаларини сотиб олиш бўйича тендер эълон қилади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Тошкент халқаро аэропорти». Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-86-49, 120-86-30.**

***Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилинади.***

94А/38

ЭЪЛОНЛАР

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2016 йил 25 май куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**I.** Қўқон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 3 июлдаги 15-15-08/10166-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, Фурқат кўчаси, 100-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 266,15 кв.м. бўлган, 0026-литердаги маъмурий бинонинг 1-қаватидаги 1-хонанинг бир қисми, 2-қаватидаги 1-сонли ва 23-сонли хоналар.

***Бошланғич баҳоси — 257 143 000 сўм.***

**II.** Қўқон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2016 йил 5 январдаги ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, Фурқат кўчаси, 100-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 328,28 кв.м. бўлган, 0026-литердаги маъмурий бинонинг 2-қаватидаги 3-сонли хонадан 22-сонли хонагача (жами 20 та хона).

***Бошланғич баҳоси — 257 143 000 сўм.***

**III.** Қувасой шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2016 йил 30 мартдаги 15-1610/3838-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қувасой шаҳри, «Боғбон» МФЙ, Муён қишлоғида жойлашган:

**1.** Қурилиш ости майдони 2095,05 кв.м. бўлган, 0001—0007-литерлардаги марказий идора.

***Бошланғич баҳоси — 296 046 905 сўм.***

**2.** Қурилиш ости майдони 5972,98 кв.м. бўлган, 0001—0015-литерлардаги омборхона.

***Бошланғич баҳоси — 330 475 930 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 23 май куни соат 17.00 да тўхтатилади.

*2016 йил 10 май куни соат 14.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда:*

**1.** Бувайда тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2014 йил 2 майдаги 15-14-08/6311-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бувайда тумани, «Чинобод» ШФЙ, Ойдинкўл қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 191,17 кв.м., фойдаланиш майдони 152,33 кв.м. бўлган, 0001 — 0003-литерлардаги эҳтиёт қисмлар сақлаш омбори ва қурилиши тугалланмаган сауна.

***Бошланғич баҳоси — 26 161 062 сўм.***

**2.** Бешариқ тумани СИБ томонидан ФИБ Ўзбекистон туманлараро судининг 2013 йил 6 сентябрдаги 1886/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бешариқ тумани, «Рапқон» ҚФЙ, «Янги Рапқон» МФЙ, Рапқон қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 216 кв.м., фойдаланиш майдони 175,5 кв.м. бўлган, 0001-литердаги умумий овқатланиш шохобчаси.

***Бошланғич баҳоси — 39 062 659 сўм.***

**3.** Қувасой шаҳар СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 24 декабрдаги 10-12-14/21970-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қувасой шаҳри, «Чўлпон» МФЙда жойлашган, 0002-литердаги омборхона, 0005-литердаги ҳовуз, 0007-литердаги ҳовуз, 0009-литердаги девор.

***Бошланғич баҳоси — 28 116 082 сўм.***

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 6 май куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 58-уй, 1-қават. Телефонлар: (+99873) 244-60-09, (+99890) 231-38-59.**

Хизматлар лицензияланган.

630А/74

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Рустам Абдуғаниевич Хатамовга онаси

**Турсун РАҲМОНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# Спорт



## Олимпиадага яна бешта йўлланма

Ўтган ҳафта юртимиз спортчилари учун сермаҳсул кечди.

Жумладан, таэквондо (ВТФ) бўйича Филиппин пойтахти Манила шаҳрида ташкил қилинган Осиё саралаш мусобақасида терма жамоамиз аъзолари муваффақиятли иштирок этдилар. Никита Рафалович (-80 кг.) ва Нигора Турсунқулова (-67 кг.) беллашувларнинг финалигача етиб бориб, совриндор бўлди ҳамда XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Спорт гимнастикасидан тажрибали вакилларимиз Антон Фокин ва Оксана Чусовитина эса Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри мезбонлик қилган, тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасига лицензия бериладиган турнирда маҳорат кўрсатиб, Олимпиадада иштирок этиш имкониятига эга бўлишди.

Стол теннисидан Зоҳид Кенжаев ҳам Гонконгдаги беллашувда муваффақиятли қатнашиб, "Рио — 2016" иштирокчилари сафига қўшилди. У эркаклар ўртасида илк бор мазкур спорт тури бўйича Олимпиадада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, шу кунгача Бразилияда бўладиган Олимпиада ва Паралимпиада ўйинларига йўлланма олган Ўзбекистон спортчилари сони 65 нафарга етди. Яқин вақт ичида улар сафи янада кенгайиши, шубҳасиз.

*Пойтахтимизда дзюдо бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.*
*Халқаро дзюдо федерацияси, Осиё дзюдо уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакатимиз дзюдо федерацияси томонидан қатор вазирлик ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирилган мазкур нуфузли мусобақада ўттиздан ортиқ давлатдан 230 дан зиёд энг кучли полвонлар совринли ўринлар ва жорий йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи муҳим рейтинг очколари учун беллашдилар.*

## Терма жамоамиз Осиёда тенгсиз

Таъкидлаш жоизки, юртимизда нуфузли спорт анжуманларини ўтказиш борасида катта тажриба тўпланган ҳамда бу жиҳат халқаро миқёсда доимо эътироф этилади. Масалан, 2005 ва 2012 йилларда ҳам Тошкент шаҳри мезбонлик қилган дзюдо бўйича қитъа чемпионатлари мухлису мутахассисларда катта таассурот қолдирган эди. 2013 йилдан буён эса ҳар йили Гран-при туркумидаги халқаро турнир бўлиб ўтаяпти.

— Мамлакатингизда кўплаб спорт турлари қатори дзюдо ҳам жадал ривожланаётгани диққатга сазовор, — дейди Осиё дзюдо уюшмаси президенти Обейд Ал-Анзий. — Буни Ўзбекистон вакилларининг Олимпиада ўйинлари, жаҳон ҳамда қитъа миқёсидаги нуфузли турнирларда муносиб иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритаётгани яққол тасдиқлайди. Айтиш жоизки, бу галги Осиё чемпионати ҳам юқори даражада ташкиллаштирилди.



Қитъа биринчилигида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Диёрбек Ўрозов (-60 кг.), Сойиб Қурбонов (-100 кг.), Абдулла Тангриев (+100 кг.) иккинчи, Мирали Шарипов (-73 кг.), Рамзиддин Саидов (-100 кг.) ҳамда хотин-қизлар ўртасида Гулноза Матниёзова (-70 кг.) учинчи ўринни эгаллади.

Эркаклар ўртасидаги жамоавий беллашувларда эса ҳамюртларимиз финалгача етиб бориб, мўғулистонлик рақибларини мағлубиятга учратди ва шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Уларнинг шарафига байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Шундай қилиб, вакилларимиз чемпионат давомида битта олтин, учтадан кумуш ва бронза медалга сазовор бўлди.

## Қўшимча дақиқалар қиймати

*Футбол бўйича Ўзбекистон XXV чемпионати олий лигаси бешинчи тур учрашувлари якунланди. Унда мухлислар кўклам об-ҳавосига қиёслаганда, голлар "ёмғири" гувоҳига айландилар.*



Хусусан, Тошкентнинг "Локомотив" клуби ўз майдонида Муборакнинг "Машъал" жамоасини қабул қилиб, 3:1 ҳисобида зафар қучди. Пойтахтнинг яна бир вакили — "Бунёдкор" меҳмони бўлган "Олмалиқ"(Олмалиқ) эса 4:2 ҳисобида имкониятни бой берди.

Жиззахнинг "Сўғдиёна" жамоаси мазкур турда кичик сенсация қайд этди. У сафарда "Нефтчи" (Фарғона)ни ягона гол эвазига мағлубиятга учратиб, Фарғонадан уч очко билан қайтди.

Энг муросасиз баҳс Зарафшонда "Қизилқум" ва "Пахтакор" (Тошкент) ўртасида кечди. Аввалига 65-дақиқада Игорь Сергеев рақиб дарвозасини ишғол қилиб, пойтахтликларни олдинга олиб чиқди. Орадан беш дақиқа ўтгач, мезбонлар вакили Самандар Шодмонов ўртадаги фарқни йўққа чиқарди. 81-дақиқада Камолиддин Тожиевнинг аниқ зарбасидан сўнг "пахтакор"чилар "тарози палласи"ни яна ўз томонларига оғдириб олишди. Аммо иккинчи бўлимдаги тўхталишлар ўрнини тўлдириш мақсадида ҳакам томонидан қўшиб берилган бешинчи дақиқанинг сўнгги сонияларида навоийликлар грузиялик легионер Георгий Квесиешвилининг муҳим голи эвазига муқаррар мағлубиятдан қутулиб қолдилар — 2:2.

**Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди:**

"Насаф" (Қарши) — "Қўқон — 1912" (Қўқон) 1:0, "Металлург" (Бекобод) — "Обод" (Тошкент) 2:1, "Навбаҳор" (Наманган) — "Шўртан" (Ғузор) 3:1, "Бухоро" — "Андижон" 5:2.

Бешта турдан сўнг "Локомотив", "Бунёдкор" ҳамда "Насаф" жамоалари бир хил — 13 тадан очко тўплаб, етакчилик қилмоқда.

**Саиджон МАХСУМОВ тайёрлади.**

## «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ»

### танловига марҳамат!

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти" танловида қатнашишга таклиф этади.

Танловга **2015 йилнинг 1 июнидан 2016 йилнинг 1 июнигача** газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ҳамда радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририятлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

"Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар "Йилнинг энг фаол журналисти" танловига" деб кўрсатилган ҳолда, қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100129, Тошкент шаҳри,**
**Навоий кўчаси, 30-уй.**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.**
**Телефонлар: (0-371) 244-64-61, 244-37-87.**
**www.journalist.uz**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР






ТАНЛОВ

*Қарши шаҳрида замонавий рақс ижрочилари ўртасида ўтказилган кўрик-фестиваль ана шундай номланди.*

## «Ёшлик завқи»

Қашқадарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси, "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, вилоятдаги олий ўқув юртлари билан хамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 46 нафар ижодкор замонавий ҳамда эстрада-спорт рақси йўналишида истеъдодини намойиш қилди.

Якунда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати жамоаси "Энг яхши замонавий рақс" номинацияси ғолиби бўлди. Эстрада-спорт рақси бўйича Қарши олимпия захиралари коллежи жамоасига тенг келадигани топилмади.

Фестивалда энг яхши деб топилган учта жамоа республика босқичида иштирок этиш учун тавсия қилинди.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**

## Замонавий туризм йўналишлари

Кейинги йилларда Жиззах вилоятида экотуризм бўйича ўнга яқин янги йўналишлар очилиши сайёҳлар оқими кўпайишига туртки бераяпти.

ХИЗМАТ

Биргина Зомин туманида экологик, тоғ-чанғи ва спорт-соғломлаштириш йўналишларида сайёҳлик хизматлари йўлга қўйилган. 22 та уй-меҳмонхона туристлар ихтиёрида. Ҳадемай, улар сони саккизтага кўпаяди.

— Воҳамиз ўзига хос табиати, диққатга сазовор жойлари ҳамда қадимий Буюк Ипак йўли бўйида жойлашгани билан кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда, — дейди "Хуршида Баҳром" хусусий корхонаси раҳбари Ойбек Бўрибоев. — Шу боис бу ердан олис ва яқиндан келган меҳмонлар қадами узилмайди. Улар Зоминнинг бетакрор табиатидан унутилмас таассуротлар олишмоқда. Корхонамиз эса шу йўналишда сайёҳларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган. Бугун барча қулайликка эга бўлган 100 ўринли уй-меҳмонхонамиз ташриф буюрувчилар ихтиёрида.

Умуман, 2019 йилга қадар вилоятда 15,4 миллиард сўмлик 32 та туризм иншооти фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 9 АПРЕЛДАН 15 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлигининг 2016 йил 25 мартдаги 2016-15, 18-сон «Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2016 йил 11 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2200-6 (2016 йил 18 апрелдан кучга кирди).***

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 31 мартдаги 01-02/8-20-сон «Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартибининг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2016 йил 11 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 925-4 (2016 йил 21 апрелдан кучга киради).***

3. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 31 мартдаги 01/20-26/31-сон «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомнинг 16-бандига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

***2016 йил 11 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1024-8 (2016 йил 18 июлдан кучга киради).***

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 30 мартдаги 01-02/12-15-сон «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида товарларни расмийлаштиришда божхона юк декларациясини тўлдириш қоидалари тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2016 йил 12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2154-1 (2016 йил 21 апрелдан кучга киради).***

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 30 мартдаги 01-02/12-18-сон «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида

### Хабар

низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2016 йил 12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2418-3 (2016 йил 21 апрелдан кучга киради).***

6. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 4 апрелдаги 49-сон «Кексаларни соғломлаштириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича нодавлат пансионатлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг намунавий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

***2016 йил 12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2777 (2016 йил 18 июлдан кучга киради).***

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 30 мартдаги 01-02/12-19-сон «Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

***2016 йил 12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2778 (2016 йил 21 апрелдан кучга киради).***

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 9 апрелдаги 01-02/12-21-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2016 йил 12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1307-4 (2016 йил 21 апрелдан кучга киради).***

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 26 мартдаги 8/14-сон «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2016 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364-2 (2016 йил 18 апрелдан кучга кирди).***

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 1 апрелдаги 01-02/12-14-сон «Товар ва транспорт воситаларини давлат божхона хизмати органи ходимлари томонидан кўздан кечириш ҳамда божхона кўригидан ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2016 йил 14 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2714-1 (2016 йил 21 апрелдан кучга киради).***

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 1 апрелдаги 01-02/12-16-сон «Хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун мўлжалланган авиакеросин маҳсулотини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2016 йил 14 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2525-2 (2016 йил 21 апрелдан кучга киради).***






Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 116 473 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — А. Султонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5 6